

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Байрамлардан бошинг чиқмасин, элим!

ИНДЕКСАЦИЯ

аҳолини ижтимоий химоялашдир


«Халқ сўзи» мухбири саволлари республика молия вазирининг ўринбосари Жамшид ҚҮЧҚОРОВ жавоб беради

— Жамшид Анварович, маълумки, ҳукуматимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айни шу мақсадда Президентимизнинг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамаси илгари 1996 йил 12 февралдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Аниқроқ қилиб айтганда, республикамизда ҳамда ўзбекистонда ҳам давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисидаги қарорни қандай ишлар амалга оширилди?

— Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Фармон ва қарор мамлакатимизда фуқароларга нисбатан инсонпарварлик сиёсати олиб борилаётганининг исботи бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Масалан, қарорга кўра, 1992-1995 йилларда республикамизда нархлар индексининг 3860 баробар ўсганини қамраб олиб, аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларининг харид қобилиятини сақлаб қолиш мақсадида уларни индексация қилиш миқдори 4000 баробар эътибор берилди. Шу билан бирга, аҳолининг банклардаги омонатлари ва давлат суғурта муассасаларига қўйилган узоқ муддатли суғурта бадалларининг 1992 йил 1 январь ҳолати бўйича ва 1996 йил 1 январьга амалда бўлган қисми индексацияга тортилди. Натигада 3 миллиондан ортиқ фуқароларнинг омонатлари индексация қилинди. Маблағларнинг тўланишини узуқсиз амалга ошириш бўлиб ушунга «Қоплаш» жамғармаси ташкил этилди. Мазкур жамғарма маблағларининг 50 фоиз давлат бюджетидан, қолган 50 фоиз банк муассасалари ҳамда бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан шакллантирилиши белгилаб қўйилди.

Хозирги кунга қадар «Қоплаш» жамғармасидан 33,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, махсус «Индексация» ҳисоб рақамлари орқали аҳолига ўз вақтида, узуқсиз равишда тўланади. Омонатлардаги маблағларни йилма-йил тўлаш билан биргаликда банк муассасаларида турган ҳар бир кун учун уларга фойда даромадлари ҳам қўшиб берилмоқда. Утган йиллар мобайнида 11,6 миллиард сўм маблағ фойда даромадларини сифатида тўлангани шундан далolat беради. Қолаверса, фойзалар бўйича даромадларни индексация қилиш билан биргаликда, индексация маблағларининг йиллар бўйича табақалаштирилиб тўланиши, яъни 1996 йилда 10 фоиз, 1997 йилда 20 фоиз, 1998 йилда 30 фоиз ва шу тарзда тўловларнинг 2005 йилга қадар давом этиши ҳам давлат бюджетидан салмоқли маблағлар ажратилиши билан таъминланади.

Долзарб мавзуда суҳбат



Аслида, соғлом фикрли ҳар қандай инсон учун Ватан фаслларининг ёмони йўқ. Муқаддас диёримизнинг қаҳрадон қишини ҳам, оловли ёзига маъносиз қузини ҳам бир-дай катта муҳаббат билан севамиз. Лекин баҳорда қандайдир мўъжиза юз берадигандай туюлади. Шунинг учун бўлса керак, баҳорнинг наинки одамлар, балки бутун борлиқ ўзгача тароватда, ўзгача интиқлик билан кутади. Ва ниҳоят, қишининг қировли кунлари ўтиб, баҳорнинг жонбахш шаббодалари эса бошлайди ва сизу биз кутган мўъжиза юз беради.

Ўзбекистон Наврўзи

Кечагина кўз ўнгимизда қорайиб ётган тулпар кўзни қувонтирувчи майсаюрга, ялангон дарахлар эса яшилди либосли, турфа ранг гулли хилқатта айланади. Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг биз баҳорини яна ҳам кўпроқ соғиниб кутадиган бўлдик. Чунки истиқлол бизга энг қадимий, энг гўзал байрамимиз — Наврўзимизни қайтадан ягона бўлган юртошларимиз ҳам катта тароват билан кутадилар. Байрам тадбирлари бир ой давоминда ўлкамизнинг ҳар бир гушасида, шаҳар ва қишлоқларида, олис овуллару қир ва адирларда, дала шийлонларию, маҳалла гузарларида ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва кўтаринчилик руҳида кенг нишонланади. Бу тадбирларнинг ҳаммасида ўша худудда яшайдиган барча миллат вакиллари баб-баробар иштирок этадилар. Улар ҳам ўзларининг миллий урф-одатлари ва анъаналари билан байрам тадбирларини янада бойитдилар.

Тошкентнинг «Халқлар Дўстлиги» майдонинда миллий-маданий марказлар ижодий гуруҳларининг катта концерт намойиши этилади. Бу йилги Наврўзи янги аср, янги минг йилликнинг, қолаверса, муқаддас Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган тарихий йилнинг наврўзи сифатида аинқас қадридлир. Ушбу байрам тантаналарини ҳозирда Республика байналмилал маданият маркази биносинда нишонлаш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Тадбирлар 20 март кунини сумалак дошқозонлари атрофидаги базму жамшилардан бошланади, 21 март кунини кечгача давом этади. Шу кунини бу ерда ўттиздан зиёд миллат вакиллари билан байрам тадбирлари қилиш Ватан ва баҳор ҳақидаги куй ва кўнрақларни янрайди. Демакки, ўттиздан зиёд тилларда она Ўзбекистонимиз наврўзи маъд этилади.

Муқаддас бурч, — деб ҳисоблайдилар. Наврўз ўзининг мана шу жиҳатлари билан ҳам ўзаро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик байрамидир. Тожик, қирғиз, турк, қозоқ, туркман, озарбайжон, татар, бошқирд каби томирлари бир-биринга туташ миллатларнинг урф-одатларида бир-бирини яқин жиҳатлар кўп. Наврўз удуллариди ҳам айнан ўша ўзаро яқинлиқнинг гўзал ифодаларини кўради. Ана шундай лаҳзаларда Юртбошимизнинг «Шу муқаддас заминда истиқомат қилувчи ҳар инсон ўзини эркин, бахтиёр ҳис қилсин», деган улуг истақлари нақадар чуқур мазмун ва катта қудратга эга эканини юрак-юракдан ҳис этамиз. Ўзбекистон Наврўзи эзгулик-эҳсоннинг тисмонидир. У шунчаки намойиш, шунчаки байрам эмас, балки одамнинг инсоний туйғуларига қувват берувчи, уларни яқинлаштирувчи, ягона Ватан туйғусини мустаҳкамлагувчи бебаҳо омилдир.

Муножат НУРМАТОВА, республика байналмилал маданият маркази раҳбари ўринбосари, Гулҳаёра ЙҮЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

СОҒИНЧ

Дунёда байрамлар кўп. Бир-бириндан гўзал, файзли. Наврўз ана шулардан биттаси. Узига хос, ўзига мос. Ҳаммасидан бошқача. Нечанечаси асрлар ўтибдики, бу байрам эъозланиб, қадрланиб келади. Унга янгидан-янги файз, андоза, шакл-шамойиллар қўшилса қўшилмаслиги, қамайгани йўқ. Ҳар сафар ўтган йилгисидан кўра яхшироқ, таъсирлироқ... Наврўзини кутиб олишда ўзи бир ҳосият бор. Бу қандай ҳосият? Яқиниси, Фарғона туманидаги ўзим яшаб турган Гулшан қишлоғидagi одамлар, ўзгаришлар ва воқеалардан сўзлай қолмай. Негаки бутун қишлоқдошларим байрам соғинчи билан яшамоқда.

«БҮҒИРСОҚ»НИНГ БОЙЧЕЧАКЛАРИ

Эндигина 6 ёшга қадам кўяётган бир жияним бор. Исми Инобатхон. Тили бийрон. Ўзи ҳам «эшма саранжом». Ҳар кунини бир «янгилик» топиб туради. Бир кун чиқсам: — Бой дала, суюнчи беринг, — деди шадлотганиб. — Ҳа, нега? — Опоқ далам мол олиб берди, 80 минг сўмга. Сарик... — деди секин. — Қандай? — сўрадим эшитмасликка олиб жўрттага. — Сап-сарик! — Ўзингга ўшар экан-да!.. Бу гапни дейишга дедим-у, ба-лога қолдим. Инобат бир йигини бошладики... Зўра юпатдик. Бир маҳал аяси: «Инобат, янги шёрингни айтиб беринг», деб қолди. «Бойчечакнинг кўрсат», деб даласи эслатди. Жирраки қиз бирдан китобчасини арақлади-да, бойчечакни топиб, менга кўз-кўз қилиди. Сўнг уй бурчагига бориб, қаддини роз қилди-да, қўлида бойчечак билан шёр ўқий бошлади:

ПАТИЛА ИЗПЛАННГ СУМАЛАГИ

Уч чорраҳада маҳалламизнинг қоқ ўртасида Патила опа яшайди. Ёшлари 60 дан ошган. Лекин унинг ажойиб бир одати бор. Ҳам-малдан олдин юради. Одамлар буни кўриб «ётирайлаб» қолишлар. Бу ҳавоний ёки тўқима гап эмас. Ҳар йили Патила опа жағ-жағ, ялпиздан қилинган сомасни қўшинларга иллинади. Қамбархон она, Қумрихон она, Пазилатхон она, Насибхон она, Тожихон она, Саломатхон она, Нуринос оналар эса: «Вой, Патила тугмагурмай, ялпиз, жағ-жағларини иссиқона пиширибди!» — дея ҳазил қилишди. Уни алқаб-алқаб, дуо қилиб ялпиз сомаслар еишди. Сумалакдан келинг. Патила она 8 килограмм буёғини элаб, тоза-лаб қўйган экан. Шу кунларда қўшини Қамбархон она ҳам 4 килограмм олиб кириб қўшибди. — 12 килограмм буёғи ундираман, — дейди Патила она. — Ҳар йили нафақат маҳаллада, қишлоқда ҳам биринчи бўлиб мен сумалак соламан. Қизикли, ҳавас-да. Яхши ниятда. Бунинг ҳам ўзига яраша гапши, умори бўлади. О, шу кунларга етказганга минг шукур. Сумалакка келинлар... Бир яйраб кетасизлар... Бу салкам бир ой бурунги гап эди. Патила онанинг сумаланини нафақат қишлоқдошлари, балки тумандаги кўнчилик татиб қурди. Ундан Наврўзнинг иши келарди. О, менинг Ўзбекистоним, байрамларнинг кўн-да... Илоҳим, байрамлардан бошинг чиқмасин, элим!

Соғинч ДАДАХУЖАЕВ.

Комиссия йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда). мақсадида 1998-2000 йилларда вилоятда 1,4 мингта фермерлик ва 94 мингта деҳқон хўжаликлари тузилди. Бу қарорда белгиланган тахминий кўрсаткичлардан анча кўпидир. Ушбу чора-тадбирлар натижасида вилоятда қўшимча равишда 66 минг нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Натигада мамлакатимизнинг аҳоли энг зич яшайдиган худудларидан бирида меҳнат бозоридан кескинлик юмшатилади. Фермер хўжалиқларининг қишлоқ хўжалиғини яқин мақсулотидаги жамм уллуши 3 мартадан ортиқ қўлайди. Вилоятда 3,8 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди, 7,4 минг гектар ер қайта ўзлаштирилди ва 7,6 минг гектар суғориладиган ернинг мелiorатив ҳолати

яшилди. Мазкур кўрсаткичлар ҳам Дастурда белгиланганидан кўпидир. Вилоятда ижтимоий масалаларга катта эътибор қаратилди. 1998-2000 йилларда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1,5 миллион квадрат метр уй-жой, 36 та қишлоқ ўқувчи пункти, 9 минг ўқувчи мулкжалланган 24 та умумий таълим мактаби, 13 минг ўқувчи ўрнига эга 18 та қасб-хуна қоллежи, битта 675 ўринлик академик лицей, 220 ўринлик 4 та шифохона фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 1669 километр газ ва 464 километр сув қувурлари ётқизилиб, уларга тегишли равишда 39 ва 14 та қишлоқ аҳоли пунктлари биринчи марта уланди. Шу билан бирга «Ўздон-маҳсулот» корпорацияси, «Ўзбекнефтгаз» компа-

нияси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Наманган вилояти ҳокимлиги Дастурда кўзда тутилган вазифалар тўлиқ бажарилишини таъминлади. Шу муносабат билан йиғилишда Наманган вилояти ҳокимлигига, вазирлик ва идораларга Дастурда кўзда тутилган вазифаларни ишчил ва тўлиқ амалга ошириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, худуднинг ижтимоий аҳолини яхши-лаш мақсадида барча режалаштирилган иш-ишотларни ишга туширишга доир ишларни давом эттириш топширилди. Бажариш ишлар натижалари Комиссиянинг 2001 йил биринчи ярми якунидаги бағишланган мажлисида кўриб чиқилади. (Ў.А).

Утган йили тест синовларида хоришлик ёшлар олий ўқув юрталари кундузги бўлимларида жавоблар самарадорлиғи бўйича учинчи — юқори кўрсаткични қўлга киритишди. Бунга, аввало, таълим тарбия соҳасидаги ишлар тақомиллаштирилаётганлиги тўғрисида эришилди. Шу билан бирга яқин кўра вақтда ҳар бир ўқув даргоҳида таълим-тарбия ишларининг натижалари, бу борада эътибор қаратиш, аҳолини ўнлаш лозим бўлган муҳим масалалар тўғрисида чуқур таҳлиллар қилиш мумкин бўлди. Кеча Урганч шаҳрида ўтган йилги тест синовлари яқунларига бағишлаб

Тест таҳлили

иктидорли, илмга ташна ёшларни бехато аниқлаб олиш имконини берди. Шу билан бирга унинг яқунларига қараб, вилоят, шаҳар ва туманда ҳатто ҳар бир ўқув даргоҳида таълим-тарбия ишларининг натижалари, бу борада эътибор қаратиш, аҳолини ўнлаш лозим бўлган муҳим масалалар тўғрисида чуқур таҳлиллар қилиш мумкин бўлди. Кеча Урганч шаҳрида ўтган йилги тест синовлари яқунларига бағишлаб

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази раҳбари М. Муҳиддинов айна шу таҳлиллар тўғрисида тўхтади. Анжуманда иштирок этган халқ таълими ходимлари, ўқув юрталари раҳбарлари бу йилги тест синовларини муваффақиятли ўтказиш, таълим-тарбияни чуқурлаштириш юзасидан ўз тақлифларини баён этишди. Сотим АБАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ифтихор

Истиқлол шухратидан бу кўнгал шод бўлди, Ва Наврўз шўъласидан бу кўнгал шод ўлди. Баҳор келиб ҳаёт боғи гулзистон бўлди. Ватан ардоғи тилларда чин обостон бўлди. Аёл бахти — она бахти фарохбор бўлди, Гурури, давлати, шаъни улғувор бўлди. Гўзал бу давру даврондан кўнгал шод ўлди. Ажаб мулки фаровондан кўнгал шод ўлди. Ҳаётнинг гулишми шами чароғон бўлди. Замон бонди ёш авлод хиромон бўлди. Билмайдон ёшлар аҳдида кўнгал шод ўлди. Элим иқболи бахтидан кўнгал шод ўлди. Мухтарам ҲАМИДОВА.

«Халқ сўзи» мухбири Иқром УТБОСАРОВ суҳбатлашди.

Пудрат савдоларни ташкил этиш (тендер) бўйича хўжалик ҳисобидан Республика бошқармаси
Сурхондарё вилоят филиали
вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси бюртмасига асосан асбоб-ускуналар ва жиҳозлар бўйича ОЧИҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

САВДОДА:

- кабель маҳсулотлари, очик ва ёпиқ симлар, ёритгичлар, вентиляторлар, электр тақсимлаш шкафлари, ёнгинага қарши ускуналар тўплами, задвижкалар, насослар;
- трансформатор подстанциялари;
- ошхона асбоб-ускуналари, совутигичлар ва бошқа жиҳозлар ракобатли танлов асосида сотиб олинади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, чет эл хусусий фирмаларини ўз маҳсулотлари билан тендер танловда қатнашишга таклиф этади. Танловда қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар аризалари 2001 йилнинг 27 апрелига қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 14-уй, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси, 2-қават, Пудрат савдоларни ташкил этиш (тендер) бўйича Сурхондарё вилоят филиалига муурожаат қилинг. Тел. 2-75-04, факс 2-75-01.

ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕРЛАР) НИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ
2001 йилда қурилиши мўлжалланган қуйидаги бино ва иншоотларга ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТҚАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қурилиш ташкилотларини танловда қатнашиш учун таклиф қилади.


№	Ишоот ва бюртмачилар номи	Қурилиш тугалаш муддати	Молиялаштириш манбаи
1	Ромитон туман, Ромитон жамоа хўжалиғи, Ўтабек қишлоғида 50 киши қатнови учун мўлжалланган қишлоқ даволаш маскани.	90 кун	«Оролбўйи» бир-лашган дирекция-сига ажратилган маблағ ҳисобига.
2	Шофиркон туман, Навоий номи жамоа хўжалиғи, Дотбоғи қишлоғида 50 киши қатнови учун мўлжалланган қишлоқ даволаш маскани	90 кун	«Оролбўйи» бир-лашган дирекция-сига ажратилган маблағ ҳисобига.

Пудрат ташкилотлари етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий аҳоли, муқобиллиги ва бошқа моддий имкониятларга, ишончлик, тажриба, обрўли маъқега, шартнома тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқатга ва ваколатларга эга бўлишлари шарт. Танловга қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдолари (тендерларни ташкил этиш бўйича Республика бошқармасининг Бухоро вилоят филиалига қуйидаги манзил бўйича:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уйга (2-қават, 18-хона) 2001 йил 2-апрелгача иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача муурожаат қилиш мумкин. Телефон: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51.

Ер юзида

воқеалар
рақамлар
тафсилотлар



Юзма-юз мулоқот



АҚШ президенти Жорж Буш ва Россия президенти Владимир Путиннинг илк учрашуви жорий йилнинг ёзида Генуя шаҳрида ўтказилиши мумкин. Оқ уй раҳбарининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Кондолиза Райс Россия Хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Иванов билан учрашувдан сўнг шуни маълум қилди. Унинг айтишича, бўлажак олий даражадаги учрашув "катта сажқизлик"ка ёъзо давлатлар раҳбарларининг Генуядаги саммити доирасида ўтказилади.



Дастур ижрони кутмоқда

Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) президенти Табо Мбеки халқаро ҳамжамиятдан Африкани ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган дастурларни тезроқ ижро этиш учун молиявий ёрдам ажратишни сўради. Президентнинг айтишича, бу дастурлар ЖАР, Нигерия ҳамда Жазоир томонидан ишлаб чиқилган ва унда қитъанинг бошқа давлатлари ҳам иштирок этиши мумкин. Дастурлар, асосан, Африка давлатлари иқтисодиётини ривожлантириш ва қитъада қашшоқлиқни бутунлай бартараф этишга қаратилган. Аммо бу дастурларни ривожланган давлатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар ёрдамисиз тўла ижро қилиш қийин, деди Т.Мбеки.

Жиноятчи қўлга олинди

Колумбия хавфсизлик кучлари АҚШнинг собиқ раҳбари Билл Клинтонга суиқасд уюштиришга тайёрларлик кўрган жиноятчини ҳибсга олди. Полиция вакилининг айтишича, бу террорчилик ҳаракатини ўтган йилнинг 30 январидан, яъни Б.Клинтоннинг Колумбияга қилган расмий ташрифи вақтида амалга ошириш кўзланган эди. Хабарларга қараганда, ҳибсга олинган шахс Колумбия инқилобий қуролли кучлари исбичи гуруҳи раҳбарияти топширигига кўра иш олиб борган. У ўшанда Картагена шаҳри маъмурий марказига бир неча портловчи мотламини жойлаштиришга ҳам муваффақ бўлган. Бироқ Колумбия хавфсизлик кучлари АҚШ президенти келиши олди-дан уларни зарарсизлантиришга эришган.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Террористлар қўлга олинди



Кунни кеча Москва-Стамбул-Москва йўналишидаги Россиянинг Ту-154 русули йўловчи самолёти Туркиядан Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига олиб қочилганлиги жаҳонда катта шов-шувларга сабаб бўлган эди. Маълум бўлишича, кеча узоқ давом этган тортишувлардан сўнг мазкур самолёт ва уни олиб қочган террорчилар Саудия Арабистони махсус хизмати ходимлари томонидан қўлга олинган. Аммо қутқарув пайтида уч нафар йўловчи ҳалок бўлди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот мажмаси. Хабарларга қараганда, террорчилар дастлаб саудиялик мулозимлардан Афғонистон томон ҳаво йўлини очиб беришни талаб қилган. Ҳозирда Кремль расмийлари Саудия Арабистони маъмуриятдан самолёт ўғирларини Россияга топширилишини сўрамоқда.

Собиқ раҳбар ташаббуси

Яқиндагина шифохонада даволаниб чиққан Россиянинг биринчи президенти Борис Елцин "Кориялар клуби"га асос солимоқчи. Елциннинг протокол хизмати бошлиғи Владимир Шевченконинг айтишича, ушбу клубга собиқ давлат раҳбарлари ёъзо бўлади ва улар айрим дунёвий муаммоларни ҳал қилиш масаласида ўзаро фикр алмашиб туради.

Милошевич иши давом этмоқда

Югославия президенти Воислав Коштуница мамлакатнинг собиқ раҳбари Слободан Милошевич жорий ой охиригача қамоққа олиниши мумкинлигини маълум қилди. Президентнинг айтишича, ҳозирча С.Милошевични ҳибсга олишга асос бўладиган етарли далиллар тўплангани йўқ ва бу борадаги ишлар давом этаётти.



Вазир истеъфого чиқди

Хабар қилганимиздек, ўтган сешанба кунни Хиндистоннинг айрим виёсий ва ҳарбий мулозимлари коррупция билан боғлиқлиги шов-шув қилинган эди. Кеча эса мамлакат ҳукумати айна масалани охиригача ўрганишга улгурмай туриб, республика мудофиа вазирини Жорж Фернандес истеъфого чиққанигини расман эълон қилди. Маълумки, шов-шувларда қатор ҳарбий мансбдорлар маблағ эвазига савдо шартномалар тузганлиги айтилган эди.

Умумий зарар 2,5 миллиард

Буюк Британиянинг сўнгги уч ҳафта ичида оқсим касаллигидан кўрган умумий зарари 2,5 миллиард фунт стерлингга етди. Мутахассисларнинг фикрича, бу касаллик ёъзага давом этиши мумкин ва зарар миқдори ҳам шунга яраша ошиб бораверади. Хабарларга қараганда, Буюк Британияда шу кунгача оқсимга чалинган 132 минг бош қорамол йўқ қилинган.

АЙККАТ! Сиз аҳоли омонатлари давлат томонидан кафолатланган ягона банкни биласизми? **АЙККАТ!**

Ҳа, тўғри топдингиз — бу ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ЖАЛҚ БАНКИ.

Айни шу банк сизга янги турдаги омонатларни таклиф қилади.

Янги асрда ҳаётбахш умидларингиз ҳақиқатга айланишида Халқ банкининг янги турдаги «Аср совғаси» омонати яқин молиявий кўмакдошингизга айланади. Ушбу омонатга 5 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда биринчи қирим бадалларини қўйишингиз билан сақлаш муддатида мутаносиб равишда катта миқдордаги даромадлар соҳиби бўласиз.

«Аср совғаси» омонати — орзунгизни қисқа муддатда рўбга чиқаришда катта имконият!

Сиз Халқ банкида «Оналар ва болалар» йилига бағишлаб жорий этилган «Бахтли болалик» мақсадли омонатига маблағ қўйиб, фарзандларингиз келажаги пойдеворини яратганингизга амин бўласиз.

Мазкур омонат фақат 2 ёшгача бўлган болажонлар номига очилиб, ҳар ойда камиди 1000 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз, кўз унгангизда улғаяётган фарзандингиз учун муносиб совга ҳозирлайсиз. «Бахтли болалик» омонатига белгиланган йиллик фойз даромадлари қўйилиши билан бирга, фарзандингиз 16 ёшга етганда омонатнинг охири қолдиги 100 фойзга кўпайтирилиши берилади.

Омонатни муддати тўлмасдан олиш истаги туғилса, марҳамат. Маблағларингизни фойз даромадлари билан қайтариш биздан!

Сиз янги жорий қилинган «Кексалик гаити» мақсадли омонат турига 10 йил мобайнида ойига 1500 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз, ўзингиз учун кексалик гаитини суришга замин ҳозирлаган бўласиз. Банк Сизнинг маблағларингизга ҳар йили даромад қўйиши билан омонат муддати тугагач маблағингизни 100 фойзга кўпайтириб бериш мажбуриятини олади.

Омонатни муддатидан олди олиш ҳам мумкин!

Сақлаш муддатида мутаносиб равишда даромадлар тўлаб бориш бизнинг вазифамиздир.

Сизни қизиқтирган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

Янги асрда Халқ банки барча хайрли ишларингизда муваффақият ва фаровонлик ҳамроҳингиз бўлишини тилаб қолади!

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ

КЎМАК ЖАМФАРМАСИ

ЮРИДИК ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ДАРСЛИКЛАРНИ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА НАШР ҚИЛИШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, олий юридик маълумотга эга бўлган муаллифлар иштирок этишлари мумкин.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР ҚЎЙИДАГИ ҲУҲЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЗАРУР:

1. Ариза.
2. Муаллиф ҳақида маълумот.
3. Нашрга тайёрланган қўлёзманинг яқуний нусхаси.
4. Ўқув юрти илмий кенгашининг қўлёзмани нашрга тавсия этиш тўғрисидаги қарори.
5. Икки дونا тақриз.
6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари ўртасида илмий услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори.

Тақдим этиладиган қўлёзма аввал нашр қилинмаган ва нашриётларга тақдим этилмаган бўлиши керак.

Тақдим этилган ҳужжатлар муаллифга қайтариб берилмайди.

Тўлиқ маълумот ва ариза нусхасини олиш учун Ўзбекистон Очиқ жамият институти Кўмак жамфармасига, қуйидаги манзил буйича мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент ш., Зарбоғ к., 31-уй. (Мўлжал: "Россия" меҳмонхонаси).
Тел/факс.: 120-68-54, 152-27-41, 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16, 152-39-98, 152-39-33.
E-mail: Jumanazar@osi.uz ёки jasur@osi.uz. Ҳужжатлар 2001 йилнинг 31 июнига қадар қабул қилинади.

Маблағ йиғишининг энг қулай усули!

«АСАКА» БАНКИ

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА ҚЎЙИДАГИ ОМОНАТЛАР ТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

I. ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛГУНГА ҚАДАР — ЙИЛИГА 4,5% (омонатни ёпиш пайтидаги тўлови билан)

II. МУДДАТЛИ:

- 1) БИР ЙИЛГА - ЙИЛИГА 6% (омонатни ёпиш пайтидаги тўлови билан)
- 2) БИР ЙИЛДАН ИККИ ЙИЛГАЧА:
 - a) 5000дан 10000 АҚШ долларига — ЙИЛИГА 7%;
 - b) 10000 АҚШ доллари ва ундан ортиқ — ЙИЛИГА 8% (ҳар ярим йилда тўлаш орқали)

ФОИЗЛАР ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА ТЎЛанаДИ

ФОИЗСТАВКАЛАРИ ОМОНАТЛАРНИНГ БУТУН АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИДА ЎЗГАРМАГАН ҲОЛДА САҚЛанаДИ.

«АСАКА» БАНКИ УШБУ ОМОНАТЛАРНИ ЎТА МАХФИЙ САҚЛАНИШИГА КАФОЛАТ БЕРАДИ. Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади. Маълумот учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ

«ЎЗТАДБИРКОРБАНК»

ЖАМОАСИ

Ўз ақиядорлари, миқовлари ва бутун юртимиз аҳолисини кириб келаяётган баҳор байрами — НАВРЎЗ билан самимий табриклайди.

Гўзаллик, яшариш ва бахт байрами муносабати билан барчага сиҳат-саломатлик, баҳорий кайфият, узоқ умр ва муваффақиятлар тилайди.

Наврўзингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

«ЎЗТАДБИРКОРБАНК» бошқаруви.

«Энг улуг, энг азиз» танловига



Хар ким суйган ошини ичади

Мусофир юрларга отланганларни овқатланиш масаласи уйлантириши табиий. Бир неча кунлик егулигини олдиндан гамлаб олса ҳам бўлади-ку, бироқ йўлда сифатини йўқотмаслиги даргумон. Қарангки, янги поезди ўз йўловчиларини бундай гам-ташвишлардан батамом холи этади. Олий ва юқори даражадаги кулайликка эга вагонларда бораётган 140 ми- жоз кунига уч маҳал хилма- хил куюк-суюк иссиқ овқат- лар, майиз, бодом, ёнғоқ, ерэнгёқ, туршак, лимон, олма, беҳи, узум янглиг куруқ ва тармевалар, бод- ринг, помидор, резаворлар, тузламалар, ранг-баранг чан- ковбоси ичимлик-шарбат- лар, чой ва қаҳвалар билан сийланадилар. Дастурхонга, шунингдек, пиширилган- дулланган колбасалар, сут, пишлоқ, қатиқ, сариёғ, қай- моқ ҳам тортилади. Улар учун туланадиган ҳақ чинта нар- хи ҳисобига киритилган. Сиз ўйлаганчалик қиммат ҳам эмас — атиги 5500 сўм! Агар йўл давомида саккиз бор ов- қат тарқатилишини назарда тутсак, бир марталик тамад- ди ўртача 687 сўмданга тўғри келади. Бу пулга кўшни мамлакатларда лоақал чап ичагиниғизга юк бўларди таом сотиб ололмайсиз. Боиси — уларда озиқ-овқатлар баҳоси анча баланд. Мисол учун, ҳозир Рузавка шаҳрида ли- моннинг донаси, ўзбек пу- лига чаққанда, 180-190 сўмдан, Рязанда-бир қути «Пётр Биринчи» сигаретаси 800 сўмдан сотилимоқда. Москвада гўштининг килоси 1800- 2000 сўмга тўғри келади. Энди ҳолисано айтинг-чи, қай бири афзал — Уста ша- ҳарда уч баравар қимматига қориниғиз тўр-тўймак бир марта овқатланишни ёки ўз поездида ўз пулимизга кун буйи тўқ кетишим?

гонга чиқа қолинг. Барибир, бояги имкониятлардан бемалол фойдаланаварсиз. Хоҳ кунду- зи, хоҳ кечаси бўлсин, кўнглинғиз тусанган таомни ва- гон хизматчисига шипшитсангиз, бас. У буюртмангизни теле- фон орқали ошпазларга ет- казди. Бир хил либос кийган официант интиглар иссиқгина овқатларни ёки яхна газаклар- ни белгиланган вақтда купета

вар Самадов, Рустам Шари- пов, Бахтиёр Йўлдошев, Са- дриддин Бахридинов шамол- дек елиб, у ён-бу ён чайқа- либ бораётган поезди ичра қўлларидан иссиқ овқат ва ноз-неъматлар тула патнис билан эпчил-чаққон юра олишларидан ҳайратга туш- дим. Қолганини, келинғ, ях- шиси, йўловчилардан эшита қолинг.

қали эшитиб, маза қилиб ке- таялмиз. Римма БОГДАНОВА, Рим- ма ЗОКИРОВА, сайёҳлар: — Поездимиз шу қалар тинч-бежавотирки, тунлари эшикни қўқламай ухлаймиз. Айниқса, ошпазлар ҳиммати- дан, официантлар меҳнатидан мамнунимиз. Хуштаъм-хушхўр таомлар пиширган кўллари асло дара сўмасин! Галина СМЕРНОВА, кекса аёл: — Ўзим Тошкентнинг Юн- усободида турман. Фарзандларим Москвада яшайдилар. Уларни- кита меҳмон бўлиб кетаялман. Эсон-омон етиб олган, гурур билан айтаман: «Илгари ўзбек- лар гарбликларга ҳавас қили- шарди, энди улар танги ўзбек- ларга ҳавас қилишини.» Шун- дай шинам-қўрам поездини биз- га тортиқ қилган темирйўлчи- ларимизга ҳам, оламшумул иш- лар бошида турган Юрбоши- мизга ҳам қатта раҳмат! Самимий фикр-мулоҳаза- ларини шу поезди олдидан йўловчи сифатида бораётган фахрий темирйўлчилар — Аб-

мушкулотга дуч келмадингиз- ми?» деган саволга ҳам ижо- бий, ҳам салбий жавоблар олинди. Кўпчилик йўлқира ҳақи 42 мингдан 62 минг сўмгача қилиб белгилангани ҳамнинг ҳам ҳаменига тўғри келавармаслигини билдирди. Чипталарни телефон орқали берилган буюртма асосида со- тишни ҳам уюштириш так- лифини киритишди. Поезд- нинг ташқи кўринишини, тоза-озодлигини, урин- тўшақлар сифатини, хизмат- чилар ва ошпазлар меҳнатини «аъло»га баҳолашди. Қўл юк- ларини сақлашга ва ташишга мўлжалланган вагонни ҳам қизгин маъқуллашди. Ва яна, поезди қатновини ҳафтага 2-3 марта амалга ошириш, ҳеч бўлмаганда, қўшимча вагонлар қўлаш, уяли телефон алоқаси- ни йўлга қўйиш, видеосалон- лар очиб фойдалан холи эмас- лигини таъкидлашди. «Яхши ният — ярим дав- лат» дейдилар. Беғарз таклиф- лар, эзгу орзу-ниятлар вақти- соати етиб рўёбга чиқса, ажаб- мас.

воқзалларда вагонларни техник кўриклан ўтказдилар. Ёқилги, сув, электр қуввати билан та- минлайдилар. Сунгра керакли жойгача етказиб қўядилар. Тартиб-интизомни транспорт ҳуқуқ-тартибот идоралари хо- димлари кузатиб борадилар. Эвазига «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компанияси яхшигина ҳақ тўлайди. Унинг микдори йўл- йўлакай бизнинг поездларга ўтирадиган бошқа давлатлар фуқароларига сотилган чипта- лардан тушадиган маблағ ҳис- обага қисқариши тайин. Бироқ баъзан тескариси бўлади. Бир- гина мисол: поездимиз Тош- кентдан жунаганида 80 фойз ўрин банд эди. Москвадан қай- тишимизда бу кўрсаткич 20 фойздан ошмади. Ажаб, нега? Калаванинг учи қаердалигини билмоқ истасангиз, ҳамюр- тимиз — уруш ногирони Ни- колай Грэнник бошидан кеңир- ган галваларга кулоқ тутинг. У рафикаси билан анча кун Мос- квада истикомат қиладиган бо- лалариникида туради. Сафари қаригач, «Козон» вокзалига бо-

Table with columns: YONALISH NOMI, VAPTI, KUNI, YOLI. Includes routes like MOSKVA, UFA, ALMA-ATA-NUKUS, etc.

Пўлат излардаги



Иккинчи мақола

қудрат

Эслаб қолинг: 2001 йил 25 январдан эътиборан «Тошкент — Москва — Тошкент» йўналиши бўйича янги йўловчи поезди қатнай бошлади. Бу темирйўлчиларнинг республикамиз мустақиллигининг ўн йиллигига муносиб совғаси бўлди.

келтириб берадилар. Айни пай- тада бағрига қирқ саккиз хўран- дани сигдира оладиган шинам- гина вагон-ресторан ходимла- ри ҳожатингизни чиқаришга ҳамиша шай турядилар.

Яхши ният — ярим давлат

Деярли бир ҳафта поезда юриш ҳаммагача ҳавас эмас. Айни чоғда, олти кун муай- ян хулосалар чиқариш учун етарли фурсат. Мен темир йўлларда кечган кунларим мо- байнида Юнус Аҳмедов бош- лаб бригада фаолиятини си- нчков кузатадим. Шу асно Достон Собиров, Шерзод Аб- думаликов, Бахтиёр Зиёмов, Жамол Пўлатов, Баҳодир Нурматов, Абдулла Азимов- сингари вагон хизматчилари ростдан ҳам ўз касбларининг ҳақиқий фойдалири экан- ликларига ишонч ҳосил қил- дим. Ўзбек, рус, инглиз тил- ларидан бемалол сўзлаша ола- диган Оксана Мухина, Тун- зала Назирова, Венера Соби- рова, Дилора Тожиева, Элви- ра Минеева, Татьяна Портная каби ёшлар устозлари умиди- ни оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилаётганликларига гувоҳ бўлдим. Венера Фатхул- лина раҳбарлигидаги вагон- ресторан ошпазлари Мурод Миробоев, Шавкат Зиёев, Абдурахмон Маҳмудовлар ҳар

Ширмоной ҲАЛИМБЕКОВА, нафақасиз: — Мен кўкюликман. Узоқ йиллар савдо соҳасида ишла- ганман. Поезда кўп бор са- фарга чиққанман. Лекин бирор мартаям бундай ажойиб, барча қулайлик ва шарт-шароитларга эга вагонларни кўрмаганман. Малика НАЗАРОВА, кўп болади она: — Бир ўғлим — Шуҳрат- жон фарғонача паловга уста- сифаранг. Москвада ўзбек миллий таомлари ошхонаси очган. «Аяқин, келсангиз, ишларимни кўрасиз. Шу ба- ҳона қадимий рус шаҳарла- риниям томоша қилганинғиз қоларди», дея хат йўловди. Мен йўл азобидан кўрқувдим. Энди билсам, янглишган эканман. Поезд ходимлари бизга аъло даражада хизмат кўрсатишляпти.

Ияхом ҚУРБОНОВ, Абду- азиз БОТИРОВ, тижоратчи- лар: — Бобур юртиданмиз. Сав- до-сотик юзасидан Россияга тез-тез бориб тураимиз. Аввал- лари поезди йўлакларни отбо- зорга, купелари атторнинг дўконига ўхшаб кетарди. Осонликча юриб бўлмасди. Бу сафар юк вагони улангани хўп савобли иш бўлибди. Севим- ли хонандаларимиз Шерали Жўраев, Камолдин Раҳи- мов, Фулломжон Ёқубов, Ғиёс Бойтоев, Юлдуз Усмонова, Озода Нурсайдалиларнинг оҳанрабо тасмасига ёзилган хонилларини радиокарнай ор-

дулхай Маракаев ва Римма Сейянишлар ҳам астойдил қўлаб-қувватладилар. Энди мана бу дадилларга эътибор қаратинг: маркетинг тадқиқотлари ўтказётган гуруҳ йўловчилар фикр-хулосасини ўрганиш мақсадида сўрос ва- рақаси тарқатганди. «Ушбу поездаги ёшлар сотиб олишда

Йўл тасодифларга тўла

Ҳақ гап! Амалдаги шартномаларга кўра, ўзбек поезди қайси худудла ҳаракатланаётган бўл- са, унга баайни ўша мамлакат те- мирйўлчилари ҳам хизмат кўрсатадилар. Маълум станция-

ради-ю, «Тошкентга чинта йўқ!» деган оdatдаги баҳонани эшитгани. Иложини тополмагач, «йўлни» қилди. Амаллаб, тан- ҳо ўзига чинта олади. Хотин- га эса, бир кун кейин Сара- тов орқали кетадиган поезда чиққиши «маслаҳат» берилади. «Хайронман, — дейди Нико- лай Харитонович таажуб-ла бош чайқаб, — мени нега ал- дашдикин? Вагонларнинг яр- мидан кўпи бум-буш-ку.»

Ганимга ишонсангиз, кеса тағидати нимқосани мен айт- ай. «Козон» вокзали атрофида Тошкентга чинта тўғрилаб бе- риши мумкинлигини секинги- на шипшитиб юрган норғул йиғитлар талайгина эди. Су- риштирсам, бу «ҳожатбарор»- лар «арзимас хизмат ҳақи» ун- дириш учун одамнинг энги- лар кириб ёқисдан чиқадиган- лар тонфасидан эканлар.

Козогистоннинг Козали станциясида яна бир ноҳушлик- ка дуч келдик. Сархўш қиёфа- даги беиш-олти йиғит Эркин Аб- дуллаев ва Элинара Стрюкова қармоғиданги 7-вагонга чинта- си чикмоқчи бўлишди. Ният- ларига эришолмагач, йўқ ердан жанжал кутаришди. Ахийри, юра бошлаган поезда қараб тош отишди. Оқибатда 12- ва 13- вагонларнинг тўртта ойна- си дарз кетди. Қизил ўрда транспорт прокурорининг ўрни- босари Озод Жоннибеков жо- ларни кўра-била туриб, пинак бўлмади. Биз боғдан келсак, у тоғдан келди. Утган йили куқламада чинтасиз йўловчилар

ва юклар билан тўлиб тошган ўзбек поездларидаги камчилик- нуқсонлар ҳақида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳисса- дорлик компаниясига аборил- ган элтирозномага ҳузус жавоб қайтарилмаганини айтиб, нолий кетди. Биз «Бирортам чинта- сиз йўловчи учрамайдиган ва алоҳида юк вагони бор мана бу таркибининг ўзи сизга энг мақ- бул амалий жавоб эмасми?» де- ганимиздан сўнггина шашидан тушди. Ниҳоят, Қизил Ўрда транспорт полицияси сержант- лари Эргали Абдукаримов, Со- бир Тўқсонбоевлар рўй берган ҳодиса бўйича далолатнома тўлдирдилар. Айбдорлар албат- та тоғлиб, жазага тортилиш- ларига ваъда бердилар. Шу та- рихқа беғузур вагон хизматчи- лари кўрилан зарарини ўн ён- ларидан тўлашдан кутулдилар. Ҳа, Ўзбекистон номи билан аталган қаровонга тош отмоқчи бўлдилар. Лекин қаровон ўз йўлида дадил олға интиларди.

Куйидаги ханомга, оинги, кулишингизни ҳам, куйишин- гизни ҳам билмайсиз: Козогис- тону Россия чегарасида жой- лашган Илек бекатига рус божхоначилари поездиимизни назоратдан ўтказишарданди. Вагон хизматчиларидан бири ўз хонасида аср номозини ўқитган экан. Унинг эги- либ, сағлажа бош қўйганини кўрган текширувчилар маст деган гумон- га бориб, поездан тушириб қолмоқчи бўлишбди. Шун- да бригада сарпо- ри Юнус Аҳмедов қатъият кўрсатди. «Бўпти, уни ме- нинг иштироким- да яқин орадаги тиббиёт муассаса- сига олиб борасиз- лар, — дейди га- камига. — Агар спиртли ичимлик истеъмол қилгани тасдиқланмаса, поезди мударидан ортқиб туриб қо- лгани учун бутун жавабгарлик сизларнинг секингиғизга туша- ди. Розимисизлар?»

Иўқ, бундай бас байлашу- га божхоначиларнинг юракла- ри дов бермади. Улар дастлаб- ки аҳд-паймонларидан осонги- на воз кечиб қўй қолдилар. Зеро, узаро аҳилликда ҳи- қмат кўп. Орта йўл тутгани- мида поездиимизга Россия ва- гонлари ҳам тиркалганди. Улардан бирида азели улқада

Сўнгсиз ўрнида

Ишонининг феъл-атвори қизик; бирон куруқ чўлу би- ббонини-да бетакрор гўзалик- ка йўйса, боқшаси ҳар кан- дай тўксикликдан ҳам нуқсон ахтарди...

«Самара» вокзалида анча мудат туриб қолдик. Бирров пастрта тушиб, ажиб ҳолатни кузатдим. Опоқ сочили нуру- ниий қария вагонимизга ҳавас ила узоқ термулди. «Ўзбеки- стон» деган сўзни ҳижжаб- лаб ўқига, мамнун жимайди. Енидаги нав-ниҳол усмирга ўтирилиб, нимадир деди. Ин- гитга эса, афтинни алланечук бурширтди. Менга-воқилар- кан, «Жа боиб кетибизлар- ми-а?» дея гап олди. Мен унинг пиқингига парво қил- мадим. «Ўзбекистон ҳаминша бой бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ишон- масанг, яна, бобондан сўра!» дедим, жила бошлаган поез- димиз сари ошдиким.



Юртимиз фахри бўлиши «Тошкент — Москва — Тошкент» 5/6-йўловчилар поезди ундаги куйи навабатда- ги сафарига отланди. Марҳамат, кўринг, ҳавас қилинг, пўлат излар узра олга елиб «Ўзбекистон» бораётми!

Абдубоиб ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи»нинг махсус мухбири. Тошкент — Москва — Тошкент.



билан, икки эмас, уч кўён- ни урасиз. Мабодо, бунга ул- мурмасангиз, 42 минг сўм тўлаб, биринчи даражада ва-

қандай таомнинг пазандаси бўлиб етишадиганликка ий- мон келтирдим. Официант- ликни санғат деб билган Ан-

Advertisement for NARCAN (naloxone hydrochloride) and REVIA (naltrexone hydrochloride) with images of the medicine bottles.

Advertisement for TOHKENT IRRIGACIYA VA QIШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ. Lists various departments and faculty members.

Advertisement for TASHKILOT PRIMA PAHTASINI SOTIB OLADI. Contact information and details about the service.

Advertisement for UZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT ISHLARI VAZIRLIGI. M. Ashrafii Nomidagi Toshkent Davlat Konservatoriya. Lists various musical instruments and faculty members.

Сизга шеър айтгим келди

Ватан

Ватан, Байроғинг бир бора ўюлганим йўқ, Мадҳингни ёд билмам, уқолганим йўқ, Кўнглимни, меҳримни тўқолганим йўқ, Жонимсан, жонимда бир оҳсан, Ватан!

Келдик, бир ниҳолинг жуфт айладикми? Ё ханжар ё қалам, тиг қайрадикми? Рост узра ёлғонни ялмадикми? Сен бунга кафилсан, сўроқсан Ватан!

Гарчи шеърлар битдик, гоҳ баланд, гоҳ паст, Гоҳ куйладик маҳзун, гоҳида сармаст, Ижобат бўлсайми, илтижо — нафас, Шеърсан, таронасан, туроқсан, Ватан!

Карбало ҳокнинг тўзонинда сен, Муслиму муҳсининг фиғонинда сен, Шохларинг, пираларинг жон жонинда сен, Фурқатим, гурбатим, фироқсан, Ватан!

Онамга айланган тутларинг ҳаққи, Камларинг, кўстларинг, бутларинг ҳаққи, Туморинг, дўторинг, удларинг ҳаққи, Балую қазодан йироқсан, Ватан!

Милтираб-милтираб бир кун сўнармиз, Яхшио ёмонга балки кўнармиз, Марқад, мазорларинг ичра дўнармиз, Байтул ҳазанларда чироқсан, Ватан!

Меҳримнинг тахтида мизганим болам, Кўнглим бешик ичра, бешикда жон ҳам, Сени болам дег бағримга олсам, Бағримда абдий уйғоқсан, Ватан!

Тавоним тағида сойларинг бийрон, Хар нигоҳ, хар қадам боғларинг ларзон, Тоғларинг, даштаринг чамандар хар ён, Жаннатим, Кавсарий булоқсан, Ватан!

Нодира, Увайсий ҳасратлар дилда, Хувайдо, Ҳазиний ҳазратлар дилда, Курьону ҳадису ҳайратлар дилда, Томирда қонимда тўлғоқсан, Ватан!

Этпи ажратолмас ҳеч ким тирноқдан, Мангу озоддирмиз қуллик-қийноқдан, Юзимизни чайдик Кавсар булоқдан, Этсан, сўнқадирсан, тирноқсан, Ватан!

Чумали жонинда бир нуқра ундир, Бу замин, бу замон гарчи кукундир, Фақат сен борсанки, тўксис бутундир, Замину замондан оғоҳсан, Ватан!

Отам эккан олманинг Шохларида дур маржон Бир дарахча бўлмаган Отам қайда, отамжон?!

Отам қурган кўрғонинг Устунлари бус-бутун. Бир нахсача бўлмаган Умр нечун, жон нечун?!

Отам сочган уруннинг, Хар бирда жуфт ҳайт. Бир ҳилолча бўлмаган... Кўнглимни ўртар фарёд.

Отам айтган ҳикматлар Яссавийдан қолган у... Мен ўтарман. Ҳикматлар, Отам руҳидек мангу.

Фарида АФРҮЗ.

Спортимиз юлдузлари

Эндигина 22 ёшга қадам қўйган Рустамнинг боксдаги зафарли юришлари 1999 йили бошланди. У дастлаб Бишкекда ўтказилган III Марказий Осиё ўйинларида барча рақиблирини мағлуб этиб, биринчи ўринни эгаллади. Кейинчалик Тошкентда Осиё чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмасди. Қитъада чемпион бўлган Р. Саидов асримизнинг сўнгги Олимпиада ўйинларида Ватанимиз байроғи остида рингга чиқди.

Рустам Олимпиадада қатнашиш имконияти ҳаммага ҳам nasib этвермаслигини чуқур англаган ҳолда беллашувларга жиддий тайёргарлик кўрди. Ва Сидней рингларида ўзининг нималарга қодирлигини намойиш эта билди, юрта ёруғ юз билан қайтди. Албатта, Р. Саидовнинг зафар кучида унинг мураббийи, республикада

хизмат кўрсатган спорт устози М. Романчукнинг ҳиссаси катта.

Шуни таъкидлаш жоизки, Рустамнинг бронза медали олтин, ҳеч бўлмаганда кумуш бўлиши аниқ эди. Ҳамюртизмизнинг қозогистонлик спортчи билан бўлган ярим финал жангида ҳакамлар ноҳолислиги уни янада юқори поғонага чиқиш имкониятидан маҳрум қилди.

Рустамнинг шашти баланд

Сиднейдан бронза медали билан қайтган боксчимиз Р.Саидов Афинадан олтин олиб келиш ниятида

Спортчиларнинг ҳаёти қизиқ. Бир сўрасангиз кунчиқар мамлакатда, орандан ҳафта ўтмай Европанинг қайсибир давлатида бирон мусобақада қатнашаётган бўлади. Уйда, оила давраида кам учратасиз уларни. Чунки хорж сафаридан қайтган ҳам машғулот-



лар билан банд бўлишди. Рустамнинг кун тартиби ҳам ўта тигиз. Лекин шундай бўлса-да яқинларини йўқлашга, бир пас суҳбатини олиб, ҳол давраида вақт топади. Қарда бўлмасин, катта ринглар, олдиндаги йирик

мусобақаларни бир зум ҳаёлидан қочирмайди, десам ишонаверинг. — Мураббийим билан келишиб, кейинги Олимпиада ўйинларига ҳозирдан тайёргарликни бошладик, — дейди Рустам Саидов.

Юқорида айтганимдай, Рустам ҳали ёш, билаги кучга тўлиқ. Насиб қилса, бир эмас, кўп карра Олимпиада чемпиони бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаражак. **Озод РАЖАБОВ,** «Жалқ сўзи» муҳбири.

Солиқ тизими

си тезкор ходимлари Хива туманида ҳам худди шундай ҳолатни фож этдилар. Хива шаҳар фуқароси Марям Бекчонова Хива туман деҳқон бозоридан қалбаки акциз марказисиз 443 шиша «Урганч ароғи»ни ва 1062 шиша «Портвейн» виносини арзон-гаровга харид қилиб кейинчалик устам нархларда сотиш мақсадида уйига тушириб қўйганини тезкор ходимлар аниқлашди. Зимдан ўтказилган кузатув куни Марям фуқаро Нодира Сафа-

воз аппарати ишга тушиб кетди. Чигит ортан машиналар айланма йўллар билан унинг ҳовлисига кириб келадиган бўлди. Бундай ҳолатни энг олдин Сирдарё туман солиқчилари сезишди. Кузатув давомида Анварнинг Ж.Маманов номида жамоа ҳўжалигидаги ҳовлисида қўлбола ёғ цехи гувилаб ишлаб турганлиги тасдиқланди. Цехда, 11,6 тонна чигит, 20 қоп кунжара, 8 литр пахта ёғи бор эди. Туман солиқчиларининг ви-

гида истикомат қилувчи Зокир Бойзоков бошқариб борардилар.

Тезкор ходимлар Ширин шаҳар давлат автомобил назорати масканида машиналарни тўхташиб текширувдан ўтказишганида биринчи машина юқонасига ўрнатилган ясама идишларда 4,8 тонна, иккинчи машина юқонасида ясама идишларда эса 2,1 тонна, жами 6,9 тонна дизел ёнилғиси борлиги ва улар яширинчи Тожкистонга олиб кетилаётганлиги маълум бўлди. Машиналарни Абдуназарнинг акиси Абдуҳаким «Тико» машинасида кузатиб келиб қўшни республикага ўтказиб юбориш кафолатини олган экан.

Шундай қўзи оқ одамларни кўрсак беихтиёр нафратимиз кўзийди. Ватан тўйғуси, халқ манфаати деган тўшунчалар улар учун бегона. Дизел ёнилғиси ҳўжалиқлар учун сув билан ҳаводек зарур бўлиб турган бир пайтда уни четга ташмалаш инсофдани, ахир. Салкам 7 тонна ёнилғи билан фермер ва деҳқонларимиз қанчадан қанча ишларини бажариб олардилар.

Давлат солиқ қўмитаси солиқ соҳасида ҳўқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари томонидан ўтказилган тадбирлар давомида кейинги ўн кунда 83 та ҳўқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 47 нафар шахсга нисбатан 56 та жиноят иши кўзгатилиди. Нокороний йўллар билан ишлаб чиқарилган ва сотилаётган 52,5 миллион сўмлик маҳсулотлар мусодара қилиш учун олиб қўйилди. Давлат бюджетига 6,1 миллион сўм қўшимча солиқ ҳўсболанди. Эндиликда зимдан қилинаётган қонунбузарликлар ҳам жазосиз қолмайди. Шундай экан, ҳалол яшаб, виждонан меҳнат қилишга одатланмоқ керак.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси.

Хушxabар элчилари

Чирчиқ шаҳридаги 7-алоқа бўлими аҳоли зич жойлашган 8-10 мавзёларга хизмат кўрсатади. Бу аҳил жамоага ўз касбининг фидойиси Валентина Холматова узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. Тегишли нафақа пулларини кеңиктирмай тарқатиш, хат-хабарларни эгаларига етказишда маъжуд 9 нафар ходимнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Улар ўз ширинсуханлиги ва меҳнатсеварлиги билан кўпчилик ҳурматини қозонишар-япти. Айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оналар, ногиронларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Шаҳарда 2200 киши давлат нафақасидан баҳраманд. Алоқа бўлимида улар учун зарур шарт-шароит яратилган. Тегишли қонун ва қарорларни тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўз касбининг фидойилари оператор Светлана Крилова, алоқачилар Наталья Аюфьева, Наташа Наточий хизматидан кўпчилик мамнун.

Ҳажар НОРМАТОВА, нафақахўр.

Турсунбека автобусдан тушди-да, тўғри «Отчорлар» бозорининг спиртли ичимликлар сотиладиган бўлими томон юрди. Бу ердагилар билан у апок-чапоқ бўлиб қолган эди. Хар гал Тошкентга келганида, албатта, улардан арзон-гаровга яшиқ-яшиқ ароқ-винолар харид қиларди-да, сўнг Гурланд устига қўйиб пулларди. Бу гал ҳам шу хаёл билан ичимликлар сотиладиган бўлим томон бурилди-да, шишаси чиройли ароқ-винолардан танлашга тушди.

Хаш-паш дегунча 14 хил ичимликдан 931 шиша танлаб сотувчига нақд 505 минг 900 сўм санаб берди. Сўнг ўзинча ҳисоб-китоб қилди. Агар хар шишасининг устига 50 сўмдан қўйиб сотса ҳам пулнинг тағида қоларди. Жой бўлса бор. Тўғри ўзи ишлаётган дўконга туширади. Бошқа ичимликларнинг орасида булар ҳам ўтиб кетаредди.

Хоразм вилоят баққолик ҳиссадорлик жамаиятининг Гурлан туман филиали сотувчиси Турсунбека Алламова кўпдан бундай «операция»ларни қилардиб лишиб кетган эди. Шу бонсдан ичимликларни бемалол дўконнинг пештакларига териб қўйди. Лекин биринчи харидор Баҳодир Матёкубовга ҳўжжасиз «Чемпион» ёзувли спиртли ичимликдан икки шишасини 1800 сўмга сотиб энди пулини санаб олаётган пайтда тезкор ходимлар савдонинг белига тепиб қолишса бўладими...

Сотувга чиқарилган ҳўжжасиз спиртли ичимликларнинг барчаси дарҳол савдо шохобчасидан олиб қўйилди. Турсунбеканинг кўзлари тиниб жойидан кўзгалолмай қолди. Шу ичимликлар имижимида сотилиб кетганида у нақд 84 минг 440 сўм фойда кўрган бўларди. Мана энди сармоя ҳам, фойда ҳам сувга оқиб кетди. Турсунбеканинг ўзига нисбатан эса жиноят иши кўзгатилиди.

Хоразм вилоят солиқ соҳасида ҳўқуқ бузилишларга қарши курашиш бошқарма-

Ҳўжжасиз «ЧЕМПИОН» ёки кўпчиликнинг ҳақи тешиб чиққанлиги ҳақида

евага уйидаги «Урганч ароғи»нинг устига 50 сўмдан қўйиб, хар донасини 600 сўмдан сотаётган пайтда қўлга тушди. Сотувга қўйилган 423 шиша ароқ ва 1062 шиша вино далилий ашё сифатида олинди. Марям Бекчонова тадбиркорликнинг таъқиқланган тури билан шуғулланганлиги ва назорат қилинмайдиган фойда кетидан кувганлиги учун энди қонун олдида жавоб беради.

Афсуски, тадбиркорликнинг таъқиқланган турлари билан шуғуланувчи учарлар Сирдарё вилоятида ҳам кўпайиб кетган экан. Уларнинг бири Анвар Қорабоев бўлиб чиқди. Анвар ёш бола эмас. Ҳозир эллик ёшни қоралаб қолган. Уч фарзанднинг отаси. «Мухаммаддон-А» савдо-ишлаб чиқариш хусусий фирмасини очиб, ризқини териб юрган эди. Лекин бу камлик қилган, шекли, яширинча пахта ёғи ишлаб чиқаришга киришиб кетди. Хаш-паш дегунча қўлда ясалган иккита мойжу-

лот тезкор ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган текширувлари давомида уларнинг барчаси далилий ашё сифатида олинди деҳқонликка чек қўйилди. Шахсий бойлик орттириш йўлида истемолга яроқсиз ёғ ишлаб чиқариб, одамлар соғлиғига зомин бўлган Анвар Қорабоевга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиди.

Вилоят тезкор ходимларининг Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган яна бир «операция»лари ҳам самарали яқунланди. Улар яширинча ёнилғи маҳсулотлари ташшига мослаштирилган иккита «КамАЗ» юк машинасини қўлга туширдилар. 12С 0132 давлат рақамли биринчи машинани Боев тўман «Галаба» ширкатлар уюшмасида истикомат қилувчи Абдуназар Еров, 12АЕ611 давлат белгили иккинчи машинани эса Боев тўмани «Деҳқонбод» жамоа ҳўжали-

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АҲОЛИСИ УЧУН БАҲОР БАЙРАМЛАРИ АРАФАСИДА АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН ҚУЙДАГИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ҚЎЙИЛМАНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

“Наврўз” қўйилмаси

— пуллар йилига 70% даромад тўлаш шarti билан 12 мартдан 23 мартгача (30 кунлик муддатга) қабул қилинади.



Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — сармоянгиз даромад келтириши ва сақланишига кафолатдир.

Қўшимча маълумотларни сиз қуйидаги телефонлар орқали: (99871) 1376283, 1376281 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

«ЖАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛМОНОВ, О. ҚАЙСЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўбсий хайт — 133-57-34; 133-78-92 Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65 Маълумот ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва иштаклар — 136-29-89; 133-07-48; Фап, солиқлиқ сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро хайт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2115, 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — О. РАЖАБОВ. Муасхих — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00 1 2 3 4 5 6